
Карантин вақтида маҳаллада қўшнилари тинчлигини бузган 4 нафар шахсга маъмурий қamoқ жазоси тайинланди

Мамлакатимиз аҳолиси орасида коронавирус инфекциясининг тарқалишининг олдини олиш учун мухтарам юртбошимиз бошчилигида, ҳукуватимиз томонидан хавфнинг таъсир кучи тўғри баҳолалиб, барча тегишли чоралар кўрилмоқда.

Фуқароларимизнинг соғлиги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакат миқёсида ўтказилаётган қатор тадбирлар, ҳукуват топшириқ-кўрсатмалари, шифокорларимизнинг тавсиялари ОАВ орқали бот-бот такрорлиниб келинмоқда.

Бугунги синовли кунларда фуқароларимиздан фақатгина талаб этилаётгани карантин билан боғлиқ барча ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини қатъий таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, белгиланган тартибни бузмаслик, карантин қоидаларига риоя қилишдир.

Лекин афсуски, орамизда бугунги вазиятдан тўғри хулоса чиқармай, бу касаллик бизда йўқ, қабилда иш юритиб кўчага чиқиб, мақсадсиз, беҳуда ишларни амалга ошираётган кимсалар ҳам учраб турибди.

2020 йил 4 апрель кунини соат 20:30 лар чамасида Ўзбекистон туманидаги маҳаллалардан бирида яшовчи 4 нафар оғайнилари жамиятда юриш туриш қоидаларини бузиб, спиртли ичимликдан маст бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир қилади.

Иш ҳолатларига кўра, фуқаро Ғ.Исломов (ўзгартирилган) 3 нафар ўртоқларини уйига таклиф қилади. Улар Ғ.Исломовнинг уйида карантин вақтида кайфу-сафо қилишади. Фақат шу билан бўлса майли, оғайнилари фақат бу билан чекланмайди. Улар кайфи ошиб қолгач қўшнилари тинчлигини бузишни бошлайди. Қўни қўшнилари эса маҳалла фуқаролари йиғини раисига мурожаат қилади. Маҳалла фуқаролари йиғини эса кайф ҳолатдаги оғайнилари тушунтириш ишлари олиб боради, бироқ ушбу тушунтириш ишлари самарасиз эди.

Ўртага участка инспектори аралашади, бироқ карантин даврида спиртли ичимликдан маст ўртоқлар "участковой"га ҳам гап бермасдан унинг ҳам қонуний талабини бажармай маҳаллани тинчлигини бузади.

Охир-оқибат иш судга ошади. Ушбу маъмурий иш 2020 йил 6 апрель кунини Ўзбекистон тумани маъмурий судида кўрилиб, ҳуқуқбузарларга 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланди.

Ҳурматли юртдошлар, бугун ҳар биримиз катта масъулият ва жавобгарлик ҳиссини туймоғимиз лозим.

Касалликни олдини олиш бўйича карантин қоидалари асосида барчамиз бирлашиб, ҳамжихатликда поклик, тозалик, озодаликни кунимизнинг асосий мақсадига айлантиришимиз, қатъий тартиб-интизом билан қадриятларимизга амал қилишимиз шарт бўлган синовли кунларни бошимиздан кечирмоқдамиз.

Бундай дамларда ўзимизни, яқинларимизни асраб-авайлайлик. Карантин қоидаларига амал қилайлик. Касаллик профилактикаси учун нима зарур бўлса, барчасини сўзсиз бажариш ҳар биримизнинг фуқаролик ва инсоний бурчимиздир.

2020-04-08 14:09:50